



**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY  
UNIVERSITETI**

**TURKIYA RESPUBLIKASI KASTAMONU UNIVERSITETI**

**KAMOLIDDIN BEHZOD NOMIDAGI MILLIY RASSOMLIK VA  
DIZAYN INSTITUTI**

**O'ZBEKISTON-TURKIYA MUNOSABATLARI TARIX  
KO'ZGUSIDA (QADIMGI DAVR, O'RTA ASRLAR VA  
HOZIRGI ZAMON)**

**Xalqaro konferensiyasi materiallari  
Materials of International Conference  
Uluslararası Konferansın Materyaller**

**TOSHKENT-2021**

### **Mas'ul muharrirlar**

Xurshida Yunusova  
Dilafro'z QURBONOVA  
Mexmet Serxat Yilmaz  
Namiq Musali

### **Tuzuvchi**

Zuxra ZAYNUTDINOVA  
“San’at tarixi va nazariyasi” kafedrası o’qituvchisi

## MUNDARIJA

### SO‘Z BOSHI

- ..... 5
1. **Ahmet Şimşek.** Cumhuriyet devri tarih ders kitaplarında Emir Timur imajı
  2. **Zamira Ishanhodjayeva.** 1920 – 1930 yillarda O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy hayoti.
  3. **Nargiz Aliyeva.** Azerbaycanda Türk-İslam kültürünün öğrenilmesi tarihine dair
  4. **Жаннат Исмаилова.** Туркий халкларнинг хунармандчилиқ уюшмалари тарихидан.
  5. **Mübariz Ağalarlı.** Şah I Tahmasb’ın hakimiyeti döneminde Safevi-Şeybani ilişkileri
  6. **Дилафрўз Қурбонова.** Бухородаги Хожа Баҳоуддин Накшбандий ва Туркиядаги Шайх Шайбон Валий музей мажмуаларининг ўзига хослиги
  7. **Ahmet TAŞĞIN.** TİMUR VE RUM DİYARI ŞEYHLERİNDEN OTMAN BABA VE ŞEYH BEDREDDİN
  8. **Mehmet Serhat Yılmaz.** ÖZBEKİSTAN HAKKINDA TÜRKİYE’DE YAPILAN LİSANSÜSTÜ ÇALIŞMALAR ÜZERİNE BİR İNCELEME (1993-2019)
  9. **Ирода Шамсиева.** РАҚАМЛИ ТУРКИЯ @ РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН: ШАРҲ ВА ТАҲЛИЛ
  10. **Mehmet Şahingöz; MirzahanEgamberdiyev.** TÜRKİSTAN TARİHİ ARAŞTIRMALARINDA KAYNAK OLARAK "TÜRKİSTANSKİYE VEDOMOSTİ" VE TÜRKİSTAN VİLAYETİNİN GAZETİ”
  11. **Nazlı Rânâ GÜREL.** ÖZBEK YAZARI ADİL YAKUBOV’UN TÜRKİYE’DE YAYIMLANAN ROMANLARINDA TÜRK-İSLÂM

DÜNYASININ DÖRT ÂLİMİ: ULUĞBEY, ALİ KUŞÇU, BİRÜNİ VE İBN-İ SİNA

11. **Selahattin KAYMAKCI.** TÜRKİYE'DE OKUTULAN ORTAÖĞRETİM TARİH DERS KİTAPLARINDA ÖZBEKİSTANLI BİLGİNLER

12. **Yusuf SARINAY.** TÜRKİSTANLI HACILARIN İSTANBUL YOLCULUĞU YAHUT "ZİYÂRET-İ MAKÂM-I HALÎFE"

13. **Aygün Bağırılı.** BAĞIMSIZLIK DÖNEMİNDE AZERBAYCAN VE ÖZBEKİSTAN CUMHURİYETLERİ ARASINDAKİ EDEBİ VE KÜLTÜREL İLİŞKİLER

14. **Zeki GÜREL.** TÜRKİYE'DE MİLLÎ MÜCADELE YILLARINDA ÖZBEKLERİN MİLLÎ ŞAİRİ ÇOLPAN'IN ŞİİRLERİNDE TÜRKİYE VE TÜRKÇE

15. **Салимахон Рустамий.** МАҲМУД КОШҒАРИЙ ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ФОНЕТИК, ГРАФИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

16. **Fırat YALDIZ.** TÜRKİYE-ÖZBEKİSTAN İLİŞKİLERİNDE KURUMLARIN VE KURUMSALLAŞMANIN ROLÜ

17. **Ercan ÇELEBİ.** ÖZBEKİSTAN'DA SOVET RUS KONTROL VASİTALARININ ANA HATLARI

18. **Cevdet Yakupoğlu; Namiq Musalı.** CANDAROĞLU İSFENDİYÂR BEY İLE TİMURLU HÜKÜMDARI MÎRZÂ ŞÂHRUH ARASINDAKİ MÜNASEBETLERE DAİR BAZI DEĞERLENDİRMELER

19. **Mehmet Öz.** OSMANLI TARİH KAYNAKLARINDA TİMUR VE TİMURLULAR (XV-XVII. YÜZYILLAR)

20. **Lütviye Asgerzade.** ANKARA SAVAŞI EDEBİYATDA

21. **Mendigul S. NOGAYBAYEVA; Almas TOXANBAYEV.** KONARGÖÇERLERİN MİTOLOJİSİNDE YÖNETİCİ (HÜKÜMDAR) TİPİ
22. **Namiq MUSALI.** Timurlu Kaynakların Türkiye’de İncelenmesi, Çevirisi ve Yayınlanması Üzerine Bazı Notlar ve Değerlendirmeler
23. **Ozodbek KARAMATOV; SerkanDİLEK.** TÜRK KONSEYİ: EKONOMİK İLŞKİLER VE ENTEGRASYON PERSPEKTİFLERİ
24. **Ozodbek KARAMATOV; Rabia AMINI.** TÜRKİYE’DE GÖÇÜN İŞGÜCÜ PİYASASINA ETKİSİ
25. **Калимаш Бегалинова.** ВКЛАД ХОДЖА АХМЕТА ЯСАВИ В ДУХОВНУЮ КУЛЬТУРУ ТЮРКСКОГО НАРОДА
26. **Ercan ÇELEBİ.** TÜRKİSTAN MİLLÎ MÜCADELESİ: SOVET TARİH GÖRÜŞÜ BAKIMINDAN BİR DEĞERLENDİRME
27. **Рахбар Ҳолиқова.** ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН
28. **У.Х.ҚОРАБОЕВ; Н.Б.САДИКОВА.** ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИНИНГ ХАЛҚОРА ЭЪТИТОФИ
29. **Шукур Аскарров.** КОРНИ ТЮРКСКОЙ АРХИТЕКТУРЫ И ДВОРЕЦ ТОПКАПИ
30. **Юлдуз Эргашева.** ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН
31. **Қахрамон Ражабов.** XX АСР БОШЛАРИ ҲАМДА КОММУНИСТИК МАФКУРА ҲУҚУҚОНЛИГИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР
32. **Ҳайитов Шодмон.** ИСТАНБУЛ (ТУРКИЯ)ДАГИ «ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИ» (“TÜRKİSTON DERNEGI”)НИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА.

33. **Равшан Фатхуллаев.** ТУРЕЦКАЯ РУКОПИСНАЯ МИНИАТЮРА: ЭВОЛЮЦИЯ РАЗВИТИЯ
34. **Р.Х.Муртазаева.** К вопросу об узбекско-турецких экономических отношениях на новом этапе развития Узбекистана
35. **О.П. Кобзева; Р.Б.Сиддиков.** Сотрудничество Узбекистана и Турции в сфере туризма на современном этапе
36. **Шахло Абдуллаева.** СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКО-ТУРЕЦКИХ ОТНОШЕНИЙ В КОНТЕКСТЕ ПРИОРИТЕТНЫХ ЗАДАЧ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
37. **Камол Рахмонов.** ЖАҲОН ТАРИХИ ДАРСЛАРИДА ТУРКИЯ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХИ ВА МУСТАФО КАМОЛ ШАХСИЯТИНИ ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ
38. **Ражаб Қиличев.** ТУРК ҲОҚОНЛИГИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК
39. **Муродулла Мирзаев.** ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИ, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР
40. **Фарида Максумова.** Стилевые особенности декоративно-прикладное искусство Турции.
41. **Дилзода Алимкулова; Аъло Исакова.** ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИДА ТУРК МОТИВЛАРИ
42. **Мухамедова Муниса.** ТУРКИЯ ТАСВИРИЙ САНЪАТИ НОМОЁНДАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ ИЖОДИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИ
43. **Нигорахон Култашева.** ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА МАВЛОНО МУЗЕЙИ – МАДАНИЯТЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК
44. **Баходиржон Ганиев; Пулатов Қувончбек.** МОВАРОУННАХРДА ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСМОНИЙЛАР ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИГА ТАЪСИРИ

45. **Б. Усмонов.** ИСМОИЛ АКАНИНГ “ТЕМУР ВА ДАВЛАТИ” АСАРИДА ФАРҒОНА ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
46. **Сухроб Курбанов.** XX АСР ОХИРИ XXI АСР БОШИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ТАЪЛИМИ
47. **Равшан Турсунов.** ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТУРКИЯ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН
48. **Murtaza RAZIKBERDIYEV.** BUXORO SHAXRINING YER – MAYDONINING VIII – XIV ASRLARDAGI RUS OLIMLARI TOMONIDAN QILINGAN RIVOJLANISH XARITASI HAQIDA AYRIM MA'LUMOT VA MULOHAZALAR.
49. **Б.Б. Хайназаров.** Усманийлар империясининг пойтахти – Истамбул шаҳрининг маданий ҳаётда тутган ўрни
50. **Нодиржон Абдулаҳатов.** ҲОЖИ ЙЎЛДОШ МАРҒИЛОНИЙ
51. **Д. Жамолова.** БУХОРО-ТУРКИЯ: МАОРИФ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР (1920-1924 ЙИЛЛАР)
51. **Э.Г.Раджапов.** ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА МИЛЛИЙ ҚЎШИН ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУРК ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ
52. **Зиёвуддин Жўраев.** САЛЖУҚИЙ ТУРК СУЛТОНЛАРИНИНГ САЛТАНАТ ТЕПАСИГА ЧИҚИШИ ВА БОШ ВАЗИР АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ (XI АСР)
53. **Тўлқинжон Холияров.** ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР
54. **Xurshida Hayitboboyeva.** Turk osmonlolaguli

55. **Зухра Зайнутдинова.** Турк ва ўзбек халки тасвирий санъатнинг Ғарб шаклларини ўзлаштиришида миллий ўзига хосликнинг намоён бўлиш жараёни
56. **Maftuna Xasanova.** O`RTA OSIYOVA QADIMIY TURKIYLARDA MASJID GUMBAZLARI PAYDO BO`LISHI VASHAKLLANISHI.
57. **С.Б.Юлдашев.** ФАРҒОНАДА СОМОНИЙЛАР ҲОКИМИЯТИ ТИКЛАНИШИДА САЛЖУҚИЙЛАРНИНГ ЁРДАМИДА ТЎҒРИСИДА
58. **M.F. Sultanova.** BIZNES MARKAZLARI QURILISHIDA RIVOJLANISH XRONOLOGIYASI
59. **Almas Toxanbayev.** Türklerde Hanlık Yönetimin Meseleleri ve Sembolleri
60. **Нигора Абдуллаева.** «СамАвто» Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонасининг барпо этилиши тарихидан
61. **ОТАБЕК АЛИМАРДОНОВ.** НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И ТУРЦИЕЙ
62. **Феруза Амонова.** XIX АСРНИНГ II ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК СУЛТОНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР
63. **Мухтаров Бекзодбек.** “АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ” АСАРИНИНГ ТУРКИЯДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ
64. **Гуландом Юлдашева.** ТЕМУРИЙЛАР ВА УСМОНЛИЛАР ДАВРИДАГИ ВАҚФ ЖАМҒАРМАЛАРИ
65. **Yakubcan Muhammedov.** Köktürk Kağanlığı Döneminde Çaç (Taşkent)
66. **Исмаг Наимов.** АБДУРАФ ФИТРАТНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҒОЯЛАРИГА ТУРКИЯГА АМАЛГА ОШИРГАН САФАРИНИНГ ТАЪСИРИ



67. **Қодиров Давронбек.** АҲЛУ СУННА УЛАМОЛАРИ ВА МАЗҲАБ АСОСЧИЛАРИНИНГ ТАСАВВУҒГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ
68. **Абдували Йўлдашев.** ТУРКИЯДА ТАҲСИЛ ОЛГАН ТАЛАБАНИНГ ТУРКИСТОН МАТБУОТИГА ДОИР МАКТУБИ
69. **Маматова Махфуза.** ТУРЕЦКАЯ КУЛЬТУРА ЧАЯПИТИЯ И ЕЕ ОСОБЕННОСТИ (ПО МАТЕРИАЛАМ ИНТЕРНЕТ-РЕСУРСОВ)
70. **Шаходат Охунжонова.** ТОШКЕНТ САВДОГАРЛАРИНИНГ ТУРКИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ ХАРИД ХОТИРАЛАРИ
71. **Бобир Имамов.** ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДА МАДАНИЯТ ҲАМДА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ
72. **Нодира Разикбаева.** КИТОБ РЕСТАВРАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ
73. **Ҳилола Ғуломова.** АФЗАЛИЙНИНГ ТУРКИЙ НАЗМДА БИТИЛГАН АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ
74. **Nigora Tuxtabekova.** Turkiston o'lkasida mustamlaka ma'muriy boshqaruv tizimini joriy etilishi
75. **Давронбек Шукуров.** Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришдаги ҳамкорлик алоқалар
76. **Раҳим Мамадалиев.** ИСМОИЛ АКА – ТЕМУРШУНОС ОЛИМ

# ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА МИЛЛИЙ ҚЎШИН ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУРК ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Э.Г.Раджапов

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Инновацион

ривожланиш вазирлиги етакчи мутахассиси

[rajabiy1986@gmail.com](mailto:rajabiy1986@gmail.com)

+99899 997 70 00

Россия империясининг пойтахти Петроградда 1917 йил 28 февралда юз берган феврал инқилобининг ғалабаси натижасида Романовлар сулоласи ағдариб ташланди. Ағдариб ташланган подшо ҳукумати ўрнига 1917 йилнинг 2 мартада Муваққат ҳукумат тузилди. Мазкур жараёнлар таъсирида Туркистонда ҳам сиёсий жараёнлар фаоллашди. Ўлка зиёлилари нафақат минтақада мустақил давлат тузиш, балки унинг таянчи бўлган давлат муассасаларини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Минтақада тузилажак мустақил давлатнинг бир қатор муассасалари катори унинг таянчи ва ҳимоячиси саналган миллий қўшинни шакллантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Ўлка тараққийпарваларининг минтақада мустақил давлат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси сифатида 1917 йилнинг 28 ноябр куни Қўқон шаҳрида Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Ҳукумат аъзолари фаолиятининг дастлабки кунлариданок халқ милициясини вужудга келтириш ҳамда Туркистонда яшовчи миллатлар тинчлигини сақлаш мақсадида миллий қўшин ташкил этиш масаласига энг муҳим вазифа сифатида қаради<sup>326</sup>. Мухторият таркиби 8 кишидан иборат бўлиб<sup>327</sup>, Мухториятнинг масъулиятли бўлган ҳарбий вазири лавозимини мутахассислигига кўра адвокат бўлган Убайдулла

<sup>326</sup> Мухтор Бакир. Туркистон мухториятининг барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон, 1917 йил, 8 декабрь.

<sup>327</sup> Туркистон Мухторияти ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент, Маънавият, 2000.; Мадьярова С.М. Туркистон Мухторияти тарихшунослиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010. –127 бет.

Хўжаев<sup>328</sup> эгаллади. Туркистон Мухторияти эълон қилиниши билан уни муҳофаза қилиш учун Убайдулла Хўжаев раҳбарлиги ва ташаббуси остида миллий мусулмон батальони ҳам тузилди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Мухторият ҳукумати кўшинини ўз даврининг илғор кўшини даражасига кўтариш мақсадида бир қатор хорижий ҳарбий мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Бу борада Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларига поляк ва турк офицерлари яқиндан ёрдам берганлар. Мухторият ҳукумати ҳарбий соҳани тараққий эттириш мақсадида Туркиялик офицерлар тажрибасидан фойдаланишга қарор қилишади. Этник, тил, дин ва маданий яқинлик, қардошлиқ ҳисси бунинг бош сабабларидан бири эди.

Туркистон Мухториятининг озиқ-овқат вазири бўлган Обиджон Маҳмудов ўз ваколати доирасига кирган вазифадан ташқари, Мухторият аскарларини қурол-яроғ билан таъминлаш<sup>329</sup>, унга профессионал мутахассисларни жалб этиш масаласига ҳам қатъият аҳамият берди. У 1918 йилнинг бошларида Кавказда очилган “Иттиҳод ва тараққий” партиясининг раҳбари Хасан Равшаний билан Озарбайжонда учрашади. Учрашув вақтида О.Маҳмудов томонидан Туркистон иттиҳод ва тараққийпарвар жамиятининг Хасан Равшаний номига ёзилган мактуби топширилади. 1918 йилнинг 9 январидида ёзилган бу хатда Туркистонда миллий кучлар ташкил қилиниши учун тажрибали мутахассислар сўралган эди. Туркистон иттиҳод ва тараққийпарвар жамиятининг мактуби ва талабларини Хасан Равшаний зудлик билан Истанбулдаги “Иттиҳод ва тараққий” партиясининг бош марказига юборди. 1918 йилнинг 8 март санасида Хасан Равшаний Обиджон Маҳмудовга жавоб хати йўллади. У мактубида “...Туркистонда зобит етиштирмақ мақсадида бир ҳарбий мактаб очиш, ҳарбий ташкилот қуриш ва миллий олой (полк)лар тузиш учун зобитлар ҳам юборилди... Зобит афандилар ҳам қайдсиз-шартсиз “Иттиҳод ва тараққий” партиясига итоат қиладир ва фақат ҳарбий ишлар билан шуғулланадир. Ана шу тартибда иш

<sup>328</sup> Убайдулла Хўжаев (тўлиқ исми Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли) – дастлабки ўзбек адвокатларидан бири, журналист, жадидлар ҳаракатининг етакчиси. Февраль инқилобидан кейин Бутунроссия мусулмонлари I ва II съездларининг делегати. Советлар даврида бир неча марта қамолқа олинди ва сургун қилинди. 1938 йилда сургунда вафот этган. Бу ҳақида қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустанлақчилиги даврида. 2-қитоб. – Тошкент. Шарқ. 2000. – Б.18.

<sup>329</sup> Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Тошкент. Мумтоз сўз. 2013. – Б.232.; Каримов Н. Ўзбекистоннинг биринчи тоғ-кон муҳандиси // <http://n.ziyouz.com/maqolalar/naim-karimov-o-zbekning-birinchi-tog-kon-muhandisi>

юритилган тақдирда катта муваффақиятларга восил бўлишингиздан умидворман ҳамда Туркиянинг ҳар соҳада туркистонлик қардошларимизга ёрдам этажагига ваъда бераман, Афандим”<sup>330</sup>, – дея жавоб қайтарди. Мухториятнинг ағдарилганидан беҳабар Хасан Равшаний ваъдасига кўра, Юсуф Зиё<sup>331</sup> исмли шахс ҳамда 20 нафарга яқин усмонли аскарларини О.Маҳмудов билан биргаликда Туркистонга юборади. Аммо бу вақтга келиб фурсат бой берилган, Мухторият большевиклар тарафидан зўравонларча ағдарилган эди.

Мухторият ағдарилгандан сўнг ҳам миллий зиёлилар ва маҳаллий раҳбар кадрлар ҳарбий соҳада турк офицер (субай)лари тажрибаси ҳамда хизматидан фойдаланишни маъқул кўрдилар. Бухоро амирлиги 1920 йил сентябрда большевиклар тарафидан зўравонлик йўли билан ағдарили, унинг ўрнида совет андозаси асосидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилиши билан, республика курулти кучларини шакллантиришда Биринчи жаҳон урушида Россия империясига асир тушган ва Сибирдаги сургундан қочиб Туркистонга келиб қолган усмонли турк офицер (субай)лари ёрданидан фойдаланилди. Турк офицери Али Ризобейга БХСР ҳарбий ишлар ноziри Абдулҳамид Ориповнинг ўринбосари вазифаси юклатилди<sup>332</sup>. Турк офицер (субай)лари<sup>333</sup> Бухоро ҳукумати томонидан мудоффа ишлари ҳамда ҳарбий таълим соҳаларига жалб этилиб, улардан ҳарбий малака ҳамда тажрибалар ўрганилди. Турк миллатига мансуб ҳарбийларнинг тили, маданияти, дини маҳаллий миллатга жуда яқинлиги ҳам бу борада БХСР ҳукуматига жуда қўл келди.

БХСР ҳарбий ишлар ноziри ва БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Абдулҳамид Орипов 1921 йилда Карманада ҳарбий мактаб ташкил қилиб, маҳаллий халқдан зобитлар тайёрлашга киришди. Аҳмад Заки Валидининг маълумот беришича,

---

<sup>330</sup> Andican Ahat. Ceditizm'den Bağımsizliğa Hariçte. Türkistan Mücadelesi. Birinci Baski. – Istanbul. Emre Yayinlari. 2003. – S.114.

<sup>331</sup> Кейинрок Юсуф Зиёбей муфтий Садриддинхон билан биргаликда Туркиядаги иттиҳод ва тараккий жамиятининг Тошкентдаги бўлимини очнади. *Қаранг:* Andican Ahat. Ceditizm'den Bağımsizliğa Hariçte. Türkistan Mücadelesi. Birinci Baski. – Istanbul. Emre Yayinlari. 2003. – S.114

<sup>332</sup> Râci Çakiroz. Türkistan'da türk Subaylari (1914-1923). Turk Dunyasi Tarih Dergisi. 1987. – S.44-45.

<sup>333</sup> Турк офицерлари нафақат Бухоро Халқ Совет Республикаси, балки Хоразм Халқ Совет Республикаси миллий курулти кучларини ташкил этишда ҳам иштирок этишди. Уларнинг баъзилари Тошкент шаҳрида очилган “Намуна”, “Турон”, “Мухторият”, “Ирфон” каби мактабларда ўқитувчилик ҳам қилишган. *Батафсил:* Râci Çakiroz. Türkistan'da türk Subaylari (1914-1923). Turk Dunyasi Tarih Dergisi. 1987. – S.42-43.

бу ҳарбий мактаб асир тушган турк офицерларидан ташкил этилган эди<sup>334</sup>. Турк офицерлари нафақат Бухоро Халқ Совет Республикаси, балки Хоразм Халқ Совет Республикаси миллий қуролли кучларини ташкил этишда ҳам иштирок этишди. Уларнинг баъзилари ҳатто Тошкент шаҳрида очилган “Намуна”, “Турон”, “Мухторият”, “Ирфон” каби мактабларда ўқитувчилик ҳам қилишган<sup>335</sup>. ХХСРнинг ўз миллий қуролли кучларига эга бўлишини хоҳламаган большевикларнинг тазйиқи ва босими остида турк офицерлари РСФСРнинг Москвадаги вакили Сафонов томонидан четлаштирилиб, ҳарбий мактаб ёпиб ташланди<sup>336</sup>.

БХСР қуролли кучларини ташкил қилишда Биринчи Жаҳон урушида русларга асир тушиб, кейинчалик Туркистонга келиб қолган турк офицерлари, татар ҳарбий мутахассисларининг тажриба ва малакасидан фойдаланилди, уларга масъул ҳарбий лавозимлар топширилди. БХСР ҳукумат раҳбарлари мураккаб шароит ва чекловларга қарамай БХСР армиясини Туркистон fronti ва РСФСР манфаатларига бўйсундирилмаган ҳолда ташкил этишга интилишди. Аммо бу савий-ҳаракатлари Марказга ёқмади ва шу сабабли республика раҳбарларининг бир нечтаси таъқиб остига олинди.

Большевиклар минтақда турк ҳарбий асирларининг таъсирини синдириш мақсадида татар ҳарбий мутахассисларидан фойдаланишга қарор қилди. Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини химоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан юборилган ҳарбий қисмлар, уларнинг ҳарбий мутахассисларидан усталик билан фойдаланилди. Бунинг асосий сабаби бу ҳудудларда Туркистон маҳаллий халқларининг тили ва динига муштарак татар ва бошқирларнинг истиқомат қилиши, уларнинг русийзабон ҳарбийлардан фаркли равишда, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси тилини яхши тушуниши эди. Бу ишга Оренбург fronti кўшинлари, Қозон терма отряди, Самара коммуналари жанговар отряди, Нижегород, Челябинск отрядлари, 20-Москва терма полки ва бошқа ҳарбий қисмлар сафарбар қилинган. Бу ҳарбий қисмлар Туркистонга Каспийорти fronti жангларида қатнашиши учун 1918 йил июл ойининг иккинчи ярми ва августнинг

<sup>334</sup> Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. – Тошкент, Адолат. 1997. – Б. 105.

<sup>335</sup> Râci Çakiroz. Türkistan'da türk Subayları (1914-1923). Türk Dünyası Tarih Dergisi. 1987. – S.42-43.

<sup>336</sup> Закий Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993 йил. 7-8-сон. – Б. 172.

биринчи ярмида юборилган эди<sup>337</sup>. Улар шунингдек, Туркистонда шаклланаётган миллий-ҳарбий қисмларни тегишли кадрлар билан таъминлашда ҳам ўрин тутган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон минтақасида миллий қуролли қучларни шакллантиришда турк ҳарбий мутахассисларнинг иштироки ва кўмаги катта бўлди. Бу жараёнда тил, дин ва маданият муштараклиги сабаб Туркистон минтақасида миллий қўшинни шакллантиришда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Минтақада миллий қуролли қучларнинг шаклланиши совет ҳокимияти манфаатлари ва таъсирини йўққа чиқариши эътиборга олиниб, турк ҳарбий мутахассислари минтақадан четлатилди.

---

<sup>337</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи. Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924). – Тошкент. Университет. 2005. – Б.72.